



Ҳар тонг икки фаришта (осмондан) тушиб келадилар. Улардан бири: «Эй Аллоҳим, инфоқ-эҳсон қилувчига эваз бергин», дейди. Иккинчиси: «Эй Аллоҳим, мумсик-бахилга талафот бергин», дейди» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар тонг икки фаришта (осмондан) тушиб келадилар. Улардан бири: «Эй Аллоҳим, инфоқ-эҳсон қилувчига эваз бергин», дейди. Иккинчиси: «Эй Аллоҳим, мумсик-бахилга талафот бергин», дейди» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Садака молни камайтирмайди, банданинг кечиравчанлиги туфайли Аллоҳ таоло унинг азизлигини зиёда қиласди, бирон киши Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ уни албатта юксалтиради» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Садака молни камайтирмайди, банданинг кечиравчанлиги туфайли Аллоҳ таоло унинг азизлигини зиёда қиласди, бирон киши Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ уни албатта юксалтиради» (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ҳалол-покдан топиб, бир дона хурмоча нарсани садақа қилса - Аллоҳ таоло фақат покиза нарсани қабул қиласи - Аллоҳ таоло уни ўнг кўли билан қабул қиласи, сўнг уни сизлардан бирингиз ўз тойҷоғини ўстирганига ўхшаган ўз эгасига то тоғдек бўлгунича ўстириб беради» (Муттафақун алайҳ).

«Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фақат икки нарсага ҳасад (яъни ҳавас) қилса бўлади: Аллоҳ таоло бировга молдавлат берса ва у уни ҳақ йўлда сарфлайдиган бўлса; Аллоҳ таоло бировга ҳикмат ато этса ва у ўша билан хукм қиласидиган ва уни таълим берадиган бўлса» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Яхшилик йўлларига пул-мол сарфлаш ва инфок-эҳсон қилишда мусулмонларга улкан манфаатлар бор бўлгани учун Аллоҳ ва Расули ибодатнинг бу турига тарғиб қилганлар. Аллоҳ таоло шундай йўлда сафрлаган одамнинг молига барака беради, садақа молни камайтирмайди, балки молни ўстиради. Аллоҳ таоло покиза касб билан топиб қилинган садақани қабул қиласи ва уни ўз эгаси учун ўстириб, кўпайтириб, қиёмат куни уни ўша билан мукофотлайди. Садақанинг оз кўпига қаралмайди, ихлос билан қилинган бўлса, бас.

Кўпнинг фазилати ўзига яраша бўлади, озни оз деб тарк қилишдан сакланиш лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ йўлида садақа ва инфоқ-эҳсон қилишнинг фазли;
2. Садақа фақат ҳалол молдан қилинганда мақбул бўлади;
3. Садақа молнинг кўпайиши ва баракали бўлишига сабаб бўлади.